



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 уй « 6 » март

№ ПҚ–87

Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республикада ипакчиликни янада ривожлантириш, ипак қўртини парваришлаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, пилла етиштириш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда ипакчилик корхоналари қувватларини ошириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

I. Асосий мақсадлар

1. Қўйидагилар 2030 йилгача ипакчилик соҳасини ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлашнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) республикада тирик пилла етиштиришни 2026 йилда **30 минг тоннадан** 2030 йилда **36 минг тоннага** етказиш;

(б) экспорт ҳажмини 2026 йилда **120 миллион АҚШ долларидан** 2030 йилда **300 миллион АҚШ долларига** етказиш;

(в) **200 миллион түп** тут кўчатлари экиш орқали озуқа базасини **45 фоизга** ошириш;

(г) пиллани чуқур қайта ишлаш даражасини 2026 йилда **30 фоизга** ва 2030 йилда **75 фоизга** етказиш;

(д) ҳар йили аҳолини камида **500 минг** мавсумий ва **50 минг** доимий иш ўринлари билан таъминлаш.

2. Ипакчилик саноатини ривожлантиришнинг 2026 ва 2030 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

II. Пилла етиштиришда аҳоли манфаатдорлигини ошириш ва хомашёни чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 апрелдан** бошлаб **Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси** маблағлари ҳисобидан:

- (а) пилла етиштирувчиларга (ипак қурти боқувчи ва касаначиларга) “маҳалла етилиги”нинг коллегиял қарори асосида пиллачилик кластери ҳақиқатда пилла учун тўлаб берган маблағларнинг **35 фоизи миқдорида** субсидия ажратилади;
- (б) Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Ўрмон агентлиги) балансидаги ер майдонларида ташкил этиладиган тўтзорларда пилла кооперативи тузиш мақсадлари учун ушбу кооператив аъзоси ҳисобланадиган камбағал оилаларга (битта оиланинг бир нафар аъзосига фақат бир марта) **4 миллион сўмдан** субсидия ажратилади;
- (в) ипак қуртини парваришlashда зарур бўладиган асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш учун касаначиларга 3 йил муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача** миқдорда **фоизсиз ссуда** ажратилади;
- (г) уруғчилик корхоналарига ипак қурти уруғларини тайёрлаш фаолиятига жалб этиладиган ҳар бир мавсумий ишчи ойлик иш ҳақининг **50 фоизи**, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **икки бараваридан ошмаган қисми** компенсация қилиб берилади.

4. Белгилансинки:

- (а) ипакчилик саноати корхоналарига **пиллачилик кластери мақомини** бериш ва бекор қилиш мазкур қарорнинг **2-иловасига мувофиқ** мезонлар асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади;
- (б) “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) пиллачилик кластерлари реестрини юритади ва ушбу реестр Уюшманинг расмий веб-сайтида доимий равишда эълон қилиниб борилади.

5. **Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги** (кейинги ўринларда – **Агентлик**) Уюшма билан биргаликда пиллани саноат усулида етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида 2026–2028 йилларда пиллачилик кластерлари томонидан **3-иловага** мувофиқ қуртхоналар қурилишини ташкил қилсин.

Бунда қуртхоналарни қуриш учун **Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – **Жамғарма**)дан пиллачилик кластерларига тижорат банклари орқали миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада (шундан 4 фоиз банк маржаси) 5 йил муддатгача кредит маблағлари ажратилиши белгилансин.

III. Имтиёзлар

6. **Агентлик, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** ҳамда Уюшманинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(a) 2026 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар:

- (i)** пиллачилик кластерларининг пилла етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотларини мол-мулк солиғидан ҳамда улар эгаллаган ер участкаларини ер солиғидан озод қилиш;
- (ii)** ипакчилик фаолиятдан (сертификат асосида “4 А” ва ундан юқори сифатдаги хом ипак, ипак момиғи, ипак калаваси, ипак мато, ипакдан тайёр маҳсулотлар учун) олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 70 фоизини ташкил этган ипакчилик корхоналарига фойда солиғи ставкасини 2 фоиз миқдорида белгилаш;
- (iii)** ипак мато ва ипакдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилган корхоналар учун ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада белгилаш. Бунда ушбу имтиёз ҳар ойда ўртача иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланган ва ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 60 фоизини ташкил этган корхоналарга тақдим этилади;

(б) ипак қурти уруғларини тайёрлаш ва қуртхоналарда пилла етиштириш бўйича мавсумий ишларга жалб қилинган аҳолининг мазкур фаолиятдан олган даромадини жисмоний шахслардан олинадиган даромад ва ижтимоий солиқларнинг солиққа солиш объекти сифатида ҳисобламаслик.

Агентлик **икки ой муддатда** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва Уюшма билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган имтиёزلарни қўллаш бўйича Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

IV. Молиявий ресурслар

7. Ипакчилик соҳаси корхоналари учун молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарорнинг:

(а) 5-банди ва 4-иловаси 1-банди “а” кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган молиявий ресурслар учун Агентлик сўровига асосан 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан 5 йил муддатда тўлиқ қайтариш шarti билан Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi фоиз ставкасида **60 миллиард сўм** бюджет ссудаси ажратилишини таъминласин ва келгуси йилларда ушбу шартларда ссуда ажратилишини бюджет параметрларини шакллантиришда назарда тутсин;

(б) 3-бандида назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чоралари учун Агентлик ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан 2026 йилда Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратсин ва келгуси йилларда бюджет параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Агентлик, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг собиқ Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси тугатилиши муносабати билан бўшаган унинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағидаги 10 миллиард сўм қолдиқ

маблағларини тирик пилла етиштиришда фойдаланиладиган сунъий қутилар ва дасталарни харид қилиш ҳамда шартнома асосида муддатли тўлов шarti билан пиллачилик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларга етказиб беришни ташкил қилиш учун Уюшманинг банк ҳисобварағига ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг мазкур қарор билан белгиланган ипакчилик соҳасини ривожлантиришнинг **асосий мақсадли кўрсаткичларига эришишда** Уюшма иштирокини янада кенгайтириш бўйича қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2026–2028 йилларда Уюшмага ҳар йили **5 миллиард сўм** миқдорида грант маблағларини ажратиб бориш;

(б) Жамғарма томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобидан Уюшма, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги “Агротилла” МЧЖнинг жорий харажатларини, шунингдек, янги тутзорларни барпо этиш, тут қаторларини кенгайтириш, мавжуд тутзорларни ва якка қатор тут дарахтлари сақланишини мониторинг қилиш, пилла етиштириш ва тайёрлаш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда мазкур қарор билан юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш.

V. Ипакчилик соҳасида озуқа базасини мустаҳкамлаш

11. Қўйидагилар:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2026–2030 йилларда ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш, янги тутзорлар барпо қилиш, якка қатор тут кўчатларини экиш ва эскирган тутзорларни реконструкция қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари **5, 5а, 5б ва 5в-иловаларга** мувофиқ;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2026–2030 йилларда ипак қурти парваришлаш ва пилла хомашёси (тирик пилла) етиштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари **6 ва 6а-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

- 12.** Ўрмон агентлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Агентлик билан биргаликда 2026–2030 йилларда Ўрмон агентлиги балансидаги **3 минг гектар** ер майдонида тутзорлар ташкил этиб, пилла етиштириш учун **6 минг** камбағал оилага, жумладан, 2026 йилда **2 минг гектари 4 минг** оилага **10 йил муддатга** оилавий пудрат шартномаси асосида бепул ижарага берилишини таъминласин.
- 13.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **бир ой** муддатда мазкур қарорнинг **7-иловасига** мувофиқ туманларнинг тоғ олди ҳудудларидаги яйлов ва ўрмон фонди ерларида илғор хорижий тажриба асосида **тут плантацияларини** ташкил қилиш мақсадида иқлим шароити ипак қурти озуқасига мос бўлган камида **100 гектардан** ер майдонларини танлаб, уларнинг контурларини аниқ белгилаган ҳолда таклифларини Агентликка киритсин.
- 14.** Агентлик Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **уч ой** муддатда хорижий консультантларни жалб қилиб, мазкур қарорнинг 7-иловасига мувофиқ туманларда танлаб олинган ер майдонларида саноатлашган тутзорларни ташкил этиш ва пиллани чуқур қайта ишлаш занжирларини тўлиқ қамраб оладиган намунавий пиллачилик кластерларини маҳаллий тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандлар ва хорижий инвесторлар билан биргаликда амалга ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
- 15.** Белгилаб қўйилсинки:
- (а)** томчилатиб сўғориш тизимини жорий этиш харажатлари учун янгидан ташкил этилган тутзорларнинг ҳар бир гектарига Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан **8 миллион сўмгача** субсидия тақдим этилади;
- (б)** майдони 2 ва ундан зиёд гектардаги тутзорларга вертикал сўғориш қудуқларини бурғилаш ва ишга тушириш, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станцияси ва сув иншоотларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларнинг **100 фоизига**, бироқ **150 миллион сўмдан** ошмайдиган миқдорда Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан субсидия тақдим этилади;

(в) мавжуд тутзорларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ҳокимликлари томонидан олиб қўйиш ҳамда улар жойлашган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш қатъий тақиқланади.

16. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 январдаги “Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3472-сон қарори асосида “Toshkent agro-pilla” МЧЖга Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Халқобод” МФЙ ҳудудидан ажратилган ер майдонларининг 446, 447 ва 448-контурларидан 5,7 гектар тутзор ер майдонларини Ипакчилик илмий-тадқиқот институтига тут дарахтлари жаҳон коллекциясини сақлаш, кўпайтириш ва тутчиликда селекция ишларини олиб бориш мақсадида ижара ҳуқуқи асосида ажратиб берилишини таъминласин.

VI. Ипакчилик соҳасида уруғчиликни ривожлантириш

17. Уюшма Ипакчилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда Фарғона ва Хоразм вилоятларида ипак қурти насли уруғчилик станцияларини 2026 йилнинг 1 декабрига қадар тўлиқ ишга тушириб, республиканинг ипак қурти элита уруғларига бўлган талабининг **2028 йил** пилла мавсумида **50 фоизини**, 2030 йилда тўлиқ қопланишини таъминласин.

18. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Агентлик билан биргаликда **2030 йилга қадар ҳар йили июль ойида** қуйидаги йўналишларда фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини эълон қилиб борсин ва грантлар ажратсин:

(а) ипак қуртининг ингичка тола берувчи ва касалликка чидамли янги зот ва дурагайлларини, супер элита ва элита бирламчи уруғчилигини ривожлантириш, ипак қурти зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш;

(б) ипакчиликда молекуляр генетика ва биотехнология, пиллачиликка инновацион технологияларни жорий этиш, ипакни чуқур қайта ишлаш бўйича технологик жараёнларни такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммоларга илмий ечим топиш.

19. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Агентлик, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2026–2027 йилларда Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида молекуляр генетика лабораториясини ташкил этиш ва уни молиялаштиришга грантлар жалб қилиш чораларини кўрсин.

VII. Ипакчилик соҳасини рақамлаштириш ва инновацион технологияларни жорий қилиш

20. Рақамли технологиялар вазирлиги Уюшма билан биргаликда **2026 йил 1 сентябрга қадар** “pillachilik.uz” электрон платформасини (кейинги ўринларда – Платформа) ишга туширсин. Бунда:

- (а)** мавжуд тутзорлар ер майдонлари, пилла етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар рўйхати, мақсадли кўрсаткичлар ва тузилган шартномалар, ипак қурти уруғининг тарқатилиши ҳамда пилла ҳосилини қабул қилиш жараёнлари (тарози ва кузатув камерасини ўрнатган ҳолда) Платформада акс эттириб борилади;
- (б)** Платформа доирасида пилла етиштириш агротехникаси қоидалари тўғрисида ўқув қўлланмалар ва медиаконтентларни ўз ичига олган мобил илова ишлаб чиқилади;
- (в)** Платформа ҳамда мобил иловани ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар Агентлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

21. Қўйидагилар:

- (а)** мазкур қарорнинг 5, 5а, 5б ва 5в-иловаларида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича:

- (i) қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилган дала четларида тут кўчатлари экилиши ва янги тутзорлар барпо қилишга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари;
 - (ii) мавжуд тутзорларни реконструкция қилиш ва уларга янги тут кўчатларини экишга Уюшма ва унинг таркибидаги пиллачилик кластерлари;
 - (iii) "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида тут кўчатларини экиш бўйича Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси;
 - (iv) Ўрмон фонди ерларида янги тутзорлар барпо қилишга Ўрмон агентлиги масъул ҳисобланади;
- (б)** мазкур қарорнинг 6 ва ба-иловаларига мувофиқ пилла етиштиришнинг мақсадли кўрсаткичларининг бажарилишига Уюшма ва унинг таркибидаги пиллачилик кластерлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари масъул ҳисобланади;
- (в)** пилла етиштиришда "маҳалла етилиги" тегишли ҳудудларда пилла етиштириш учун қурт боқувчиларни аниқлайди, қуртларни етказиб беришга кўмаклашади ва ҳақиқатда топширилган пилла ҳажмидан келиб чиққан ҳолда мазкур қарорнинг 3-банди "а" кичик бандида назарда тутилган субсидиялар ажратилишини назорат қилади;
- (г)** хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, шунингдек, корхоналарни белгиланган тартибда молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриб бориш бўйича Агентлик масъул ҳисобланади.
- 22.** Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури **8-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
- 23.** Агентлик мазкур қарор билан белгиланган вазифа ва топшириқларни, шу жумладан, пилла хомашёси озуқа базасини кўпайтириш, пилла етиштириш, хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни мувофиқлаштиради ва амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар **чорак якуни билан** Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

24. Қарор ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг аграр ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ипакчилик саноатини ривожлантиришнинг 2026 ва 2030 йилларга мўлжалланган
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Худуд номи	2026 йил				2030 йил				2030 йилда соҳадаги экспорт ҳажми (миң долл)
		Тирик пилла ҳомишаси (тн)	Ҳом ипак (тн)	Қайта ишлаш даражаси (фоиз)	Ипак мато (миң п.м)	2026 йилда соҳадаги экспорт ҳажми (миң долл)	Тирик пилла ҳомишаси (тн)	Ҳом ипак (тн)	Қайта ишлаш даражаси (фоиз)	
	Жами	30 134	3 314	30%	9 941	120 000	4 013	75%	30 012	300 000
1	Қорақўлпокистон Республикаси	1 018	112	12%	134	4 054	135	71%	960	30 122
2	Андижон вилояти	3 882	427	36%	1 550	15 459	516	75%	3 891	38 595
3	Бухоро вилояти	3 143	346	41%	1 400	12 516	418	81%	3 385	31 248
4	Жиззах вилояти	1 000	110	32%	350	3 984	133	73%	975	9 946
5	Қақчадарё вилояти	2 904	319	19%	607	11 562	386	77%	2 980	28 867
6	Навоий вилояти	1 272	140	11%	150	5 065	169	66%	1 111	12 646
7	Наманган вилояти	2 515	277	43%	1 200	10 016	334	78%	2 592	25 005
8	Самарқанд вилояти	3 878	426	28%	1 200	15 443	516	72%	3 736	38 555
9	Сурхондарё вилояти	2 344	258	21%	550	9 334	312	68%	2 122	23 304
10	Сирдарё вилояти	829	91	16%	150	3 301	110	75%	828	8 242
11	Тошкент вилояти	2 042	225	11%	250	8 132	272	61%	1 667	20 301
12	Фарғона вилояти	2 786	306	46%	1 400	11 094	376	85%	3 177	28 096
13	Хоразм вилояти	2 521	277	36%	1 000	10 039	335	77%	2 587	25 074

**Ипакчилик саноати корхоналарига пиллачилик кластери
мақомини бериш ва бекор қилишнинг асосий мезонлари**

1. Пиллачилик кластери мақомини бериш мезонлари:

- (а)** пиллага дастлабки ишлов бериш қувватлари (пилла хомашёсини қуритиш дастгоҳлари) ва ипакчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (хом ипак, ипак момифи, ипак калаваси, ипак мато, тайёр ипакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш) бўйича камида битта босқичнинг мавжуд бўлиши;
- (б)** ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини аниқлаш бўйича синов лабораторияси мавжуд бўлиши.

2. Пиллачилик кластери мақомини бекор қилиш мезонлари:

- (а)** пилла етиштириш бўйича тузилган шартномаларга асосан уруғ тарқатиш даври ва ипак қуртининг бошланғич парваришида пилла етиштирувчиларга бўнак (аванс) маблағлари ҳамда якуний ҳисоб-китобларни белгиланган муддатларда таъминламаслиги;
- (б)** туман “Агропилла” масъулияти чекланган жамиятларида доимий фаолият юритувчи камида 4 нафардан агроном ва 1 нафар рақамлаштириш мутахассисининг мавжуд эмаслиги;
- (в)** қабул қилинган пилла хомашёсини 1 календарь йилида тўлиқ қайта ишлаш таъминланмаганлиги.

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда пиллачилик кластерлари томонидан
2026–2028 йилларда янги қуртхоналарни қуришнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Худудлар номи	Шундан:							
		2026–2028 йилларда жами		2026 йил		2027 йил		2028 йил	
		қуртхоналар (бирлик)	қиймати (млн сўм)						
	Республика бўйича жами	450	90 000	100	20 000	150	30 000	200	40 000
<i>шундан:</i>									
1	Қорақалпоғистон Республикаси	18	3 600	4	800	6	1 200	8	1 600
2	Андижон вилояти	53	10 600	12	2 400	18	3 600	23	4 600
3	Бўхоро вилояти	34	6 800	8	1 600	11	2 200	15	3 000
4	Жиззах вилояти	32	6 400	7	1 400	11	2 200	14	2 800
5	Қашқадарё вилояти	83	16 600	18	3 600	28	5 600	37	7 400
6	Навоний вилояти	10	2 000	2	400	3	600	5	1 000
7	Наманган вилояти	28	5 600	6	1 200	9	1 800	13	2 600
8	Самарқанд вилояти	50	10 000	11	2 200	17	3 400	22	4 400
9	Сурхондарё вилояти	36	7 200	8	1 600	12	2 400	16	3 200
10	Сирдарё вилояти	8	1 600	2	400	3	600	3	600
11	Тошкент вилояти	33	6 600	7	1 400	11	2 200	15	3 000
12	Фарғона вилояти	37	7 400	8	1 600	12	2 400	17	3 400
13	Хоразм вилояти	28	5 600	7	1 400	9	1 800	12	2 400

**Ипакчилик соҳаси корхоналари учун молиявий
қўллаб-қувватлаш чоралари**

1. Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ресурслари ҳисобидан:

(а) Пиллачилик кластерларига қуйидаги мақсадларга:

(i) ипак қурти уруғларини харид қилиш учун тижорат банклари орқали йиллик 14 фоиз ставкада (шундан 4 фоиз банк маржаси) 6 ой имтиёзли давр билан 12 ой муддатгача миллий валютада кредитлар ажратилади;

(ii) пилла хомашёси хариди учун айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 12 январдаги “Маҳаллий енгил саноат корхоналарининг халқаро етказиб бериш занжирларида иштирокини кенгайтириш ҳамда ташқи бозорларда ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4-сон Фармонининг 15-банди билан ажратилган маблағлар ҳисобидан тижорат банклари орқали 6 ойлик имтиёзли давр билан 24 ой муддатгача йиллик 7 фоиз ставкада (шундан 2 фоиз банк маржаси) кредитлар ажратилади;

(б) корхоналарнинг 6 ойдан ошмаган муддатга қуйидаги харажатларининг 100 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 25 баробаридан кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади:

(i) насли уруғчилик станциялари ва ипак қурти уруғчилик корхоналарига хориждан бир нафардан малакали уруғчи, инкубист, ипак қурти селекционери мутахассислари ва соҳанинг етук олимларини жалб қилиш;

(ii) пиллачилик кластерларига маҳсулот сифатини оширишга, жумладан, “4 А” ва ундан юқори сифатдаги хом ипак, тайёр ипак маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга кўмаклашадиган бир нафардан хорижий малакали технолог, дизайнер, инженер, маркетинг ва сифат назоратчисини жалб қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 майдаги “Пилла етиштириш ва ипакчилик соҳасида бозор механизмларини жорий қилишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–72-сон Фармони билан ажратилиши белгиланган **15 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларнинг қолдиқ қисми Агентлик таклифларига асосан Фармонда белгиланган шартларда ипакчилик саноати корхоналарига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадларида 2026–2028 йилларда ажратилади.
3. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2026–2030 йилларда ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш, янги тутзорлар барпо қилиш, яқка қатор тут кўчатларини экишнинг мақсадли кўрсаткичларини таъминлаш бўйича вазифаларни молиялаштириш тегишлилиги бўйича Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги маблағлари ҳамда Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси орқали молиялаштириладиган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида 2026–2030 йилларида илгак қурти озуқа базасини мустаҳкамлашнинг
МАҚСАДЛИ КУРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Хўжалиқ номи	2026–2030 йилларида наъми						Шундан					
		2026 йил		2027 йил		2028 йил		2029 йил		2030 йил			
		Ер майдони (гектар)	Эккадан тўт қўچалари (миң дана)	Ер майдони (гектар)	Эккадан тўт қўчалари (миң дана)								
Республика бўйича жами		64 539	198 894	11 516	36 395	12 940	41 248	13 914	44 298	14 640	45 103		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3 409	9 371	586	1 759	656	1 957	699	2 091	719	2 138		
2	Андижон вилояти	5 363	15 090	970	2 756	1 080	3 093	1 170	3 371	1 231	3 416		
3	Бухоро вилояти	3 992	11 950	803	2 107	778	2 419	836	2 607	879	2 643		
4	Жиззах вилояти	5 739	16 402	1 045	2 673	1 139	3 368	1 229	3 628	1 307	3 752		
5	Қашқадарё вилояти	5 367	14 642	1 053	2 650	1 037	2 895	1 135	3 210	1 193	3 219		
6	Навоий вилояти	2 646	8 394	465	1 366	539	1 750	566	1 834	604	1 900		
7	Наманган вилояти	4 731	12 587	897	2 144	927	2 547	1 001	2 758	1 071	2 865		
8	Самарқанд вилояти	6 649	22 426	1 124	3 430	1 355	4 709	1 461	5 087	1 510	5 075		
9	Сурхондарё вилояти	6 622	23 137	1 135	3 449	1 358	4 927	1 442	5 215	1 502	5 300		
10	Сирдарё вилояти	4 763	17 107	734	2 513	869	3 171	1 064	3 837	1 109	3 938		
11	Тошкент вилояти	5 235	17 085	882	2 572	1 074	3 618	1 144	3 854	1 191	3 903		
12	Фарғона вилояти	5 718	16 362	1 060	2 662	1 433	3 354	1 223	3 619	1 200	3 735		
13	Тарбаған вилояти	4 304	14 040	679	2 085	782	2 587	954	3 180	1 000	3 218		

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2026–2030 йилларда эскирган тўздорларни реконструкция қилишнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Худуд номи	Маълум тўздорлар (гектар)	Шундан		Реконструкция қилинадиган тўздорлар ва уларга эъландиган тўт қўчалари									
			Фойдаланишга эришган (гектар)	Реконструкция қилинадиган тўздорлар (гектар)	2025 йил		2027 йил		2028 йил		2029 йил		2030 йил	
					ер майдони (гектар)	тўт қўчалари (минг донга)	ер майдони (гектар)	тўт қўчалари (минг донга)	ер майдони (гектар)	тўт қўчалари (минг донга)	ер майдони (гектар)	тўт қўчалари (минг донга)	ер майдони (гектар)	тўт қўчалари (минг донга)
Республика бўйича жами		54 008	38 969	15 038	1 872	9 362	2 808	14 042	3 170	16 851	3 483	17 413	3 505	17 525
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 792	2 400	391	49	244	73	365	88	438	91	453	91	456
2	Андижон вилояти	5 702	4 851	850	106	529	159	794	191	953	197	984	198	991
3	Бухоро вилояти	4 145	3 605	540	67	336	101	504	121	605	125	625	126	629
4	Жезқазған вилояти	3 421	2 313	1 108	138	690	107	1 035	248	1 242	257	1 283	258	1 291
5	Қашқадарё вилояти	7 728	7 565	163	20	101	30	152	36	182	38	188	38	189
6	Навоий вилояти	1 149	615	534	67	313	100	499	120	599	124	619	125	623
7	Наманган вилояти	3 057	2 480	577	72	359	108	538	129	646	134	668	134	672
8	Самарқанд вилояти	8 341	6 226	2 116	263	1 317	395	1 975	474	2 371	490	2 450	493	2 465
9	Сурхондарё вилояти	3 746	926	2 820	351	1 756	527	2 634	632	3 160	653	3 266	657	3 287
10	Сирдарё вилояти	1 876	37	1 839	229	1 145	343	1 717	412	2 060	426	2 129	429	2 143
11	Тошкент вилояти	4 035	2 237	1 798	224	1 119	336	1 679	403	2 014	416	2 081	419	2 095
12	Фарғона вилояти	3 692	2 615	1 077	134	670	301	1 005	241	1 206	289	1 247	251	1 255
13	Хоразм вилояти	4 325	3 098	1 227	153	764	229	1 145	275	1 375	294	1 420	286	1 430

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2026–2030 йилларда ипак қурти парвариришlash ва пилла хонашўси (тирик пилла) етиштиришининг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Хўжалиқ номи	2026 йил				2027 йил				2028 йил				2029 йил				2030 йил			
		Жами		шундан: фермер хўжалиқлари томонидан		Жами		шундан: фермер хўжалиқлари томонидан		Жами		шундан: фермер хўжалиқлари томонидан		Жами		шундан: фермер хўжалиқлари томонидан		Жами		шундан: фермер хўжалиқлари томонидан	
		кути	тонна	кути	тонна																
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16 669	1 018	11 162	670	17 336	1 040	11 609	696	18 029	1 082	12 073	724	18 750	1 125	12 556	753	19 950	1 219	13 360	801
2	Андижон вилояти	64 609	3 882	40 902	2 460	67 287	4 037	42 632	2 558	69 978	4 199	44 337	2 660	72 778	4 367	46 110	2 767	77 435	4 646	49 061	2 944
3	Бухоро вилояти	52 388	3 143	36 036	2 163	54 484	3 269	37 467	2 247	56 663	3 399	38 965	2 337	58 029	3 536	40 513	2 430	62 701	3 762	43 106	2 586
4	Жиззах вилояти	16 669	1 000	11 172	671	17 336	1 040	11 619	697	18 029	1 082	12 083	725	18 750	1 125	12 567	754	19 950	1 197	13 371	803
5	Қашқадарь вилояти	48 391	2 904	31 323	1 880	50 327	3 020	32 576	1 955	52 340	3 141	33 879	2 033	54 433	3 267	35 234	2 115	57 917	3 475	37 489	2 250
6	Навобей вилояти	21 195	1 272	14 086	845	22 043	1 323	14 649	879	22 925	1 376	15 235	914	23 841	1 431	15 845	951	25 367	1 522	16 859	1 012
7	Наманган вилояти	41 911	2 515	28 610	1 717	43 587	2 616	29 754	1 786	45 331	2 720	30 944	1 857	47 144	2 829	32 182	1 932	50 161	3 010	34 242	2 055
8	Самарқанд вилояти	64 634	3 878	38 034	2 282	67 219	4 033	39 555	2 373	69 908	4 194	41 138	2 468	72 704	4 362	47 783	2 567	77 358	4 641	45 521	2 731
9	Сурхондарь вилояти	39 666	2 344	25 866	1 552	40 629	2 438	26 901	1 614	42 254	2 535	27 977	1 679	43 944	2 637	29 096	1 746	46 757	2 805	30 938	1 857
10	Сурхондарь вилояти	13 817	829	10 491	629	14 320	862	10 911	655	14 944	897	11 347	681	15 542	933	11 801	708	16 337	992	12 556	753
11	Тошкент вилояти	34 026	2 042	22 945	1 377	35 387	2 124	23 862	1 432	36 803	2 209	24 817	1 489	38 275	2 297	25 810	1 549	40 724	2 444	27 461	1 648
12	Фарғона вилояти	46 436	2 786	31 642	1 898	48 993	2 939	32 938	1 974	50 953	3 057	34 224	2 053	52 991	3 179	35 593	2 135	56 382	3 382	37 871	2 272
13	Хоразм вилояти	41 911	2 521	24 913	1 502	43 585	2 623	25 910	1 562	45 328	2 728	26 946	1 625	47 141	2 837	28 024	1 690	50 158	3 018	29 817	1 798
Республика бўйича жами		501 812	30 134	317 252	19 644	522 582	31 364	340 342	20 429	543 485	32 618	353 956	21 347	565 224	33 923	368 114	22 096	601 959	36 115	391 673	23 511

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар туман ва шаҳарларида 2026–2030 йилларда
ипак қурти парваришlash ва пилла хомашёси (тирик пилла) етиштиришининг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Хўдудлар номи	2026 йил		2027 йил		2028 йил		2029 йил		2030 йил	
		қўти	тонна								
Республика бўйича жами		501 812	30 134	522 582	31 364	543 485	32 618	565 224	33 973	601 399	36 115
Қорақалпоғистон Республикаси											
1	Тўртқўл	3 644	219	3 790	228	3 941	237	4 099	246	4 361	262
2	Элликқалъа	3 367	202	3 502	210	3 642	218	3 787	227	4 030	242
3	Беруний	3 212	193	3 340	201	3 474	209	3 613	217	3 844	231
4	Амударё	4 936	296	5 133	308	5 339	320	5 552	333	5 908	354
5	Хўжайли	456	27	474	28	493	29	513	30	546	32
6	Ташкент	362	22	376	23	392	24	407	25	433	26
7	Нукус	335	20	349	21	363	22	377	23	401	24
8	Келёли	329	20	342	21	356	22	370	22	394	24
9	Чимбой	249	14	259	15	269	15	280	16	298	17
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами		16 669	1 018	17 336	1 040	18 029	1 082	18 750	1 125	19 950	1 219
Андижон вилояти											
10	Андижон	5 046	303	5 148	315	5 458	328	5 676	341	6 039	363
11	Избоскан	5 140	309	5 346	321	5 559	334	5 782	348	6 152	370
12	Марҳамат	5 194	312	5 402	324	5 618	337	5 843	351	6 216	373
13	Пахтабод	5 623	337	5 848	350	6 082	364	6 325	379	6 730	403
14	Балиқчи	7 284	437	7 575	454	7 878	473	8 194	492	8 718	523
15	Бўз	2 424	145	2 521	151	2 622	157	2 727	163	2 901	174
16	Улўнор	1 559	94	1 621	98	1 686	102	1 754	106	1 866	113
17	Асака	5 960	358	6 198	372	6 446	387	6 704	403	7 133	428
18	Олтинқўл	4 035	242	4 196	252	4 364	262	4 539	272	4 829	290
19	Хўжабод	2 135	128	2 220	133	2 309	138	2 402	144	2 555	153
20	Шахрихон	6 985	419	7 264	436	7 555	453	7 857	471	8 360	501
21	Жалақудуқ	4 585	275	4 768	286	4 959	297	5 158	309	5 488	329
22	Кўргонтепа	5 514	331	5 735	344	5 964	358	6 203	372	6 599	396
23	Булакбоши	3 215	192	3 344	200	3 477	208	3 616	216	3 848	230
Андижон вилояти бўйича жами		64 699	3 882	67 287	4 037	69 978	4 199	72 778	4 367	77 435	4 646

Т/р	Худудлар номи	2026 йил		2027 йил		2028 йил		2029 йил		2030 йил	
		кути	тонна								
Бухоро вилояти											
24	Жондор	7 260	436	7 550	453	7 852	472	8 167	490	8 689	522
25	Ромитан	4 368	262	4 543	272	4 724	283	4 913	295	5 228	314
26	Олот	4 178	251	4 345	261	4 519	271	4 700	282	5 000	300
27	Қорақўл	5 705	342	5 933	356	6 171	370	6 417	385	6 828	409
28	Вобнеп	5 977	359	6 216	373	6 465	388	6 723	404	7 154	430
29	Қаган	3 222	193	3 351	201	3 485	209	3 624	217	3 856	231
30	Бухоро	4 317	259	4 490	269	4 669	280	4 856	291	5 167	310
31	Пешку	3 314	199	3 447	207	3 584	215	3 728	224	3 966	238
32	Шофиркан	4 178	251	4 345	261	4 519	271	4 700	282	5 000	300
33	Ғилдўвон	9 869	591	10 264	615	10 674	639	11 101	665	11 812	707
Бухоро вилояти бўйича жами		52 388	3 143	54 484	3 269	56 663	3 399	58 929	3 535	62 701	3 762
Жиззах вилояти											
34	Дўстлик	1 667	100	1 734	104	1 803	108	1 875	112	1 995	120
35	Пактокор	1 609	96	1 673	100	1 740	104	1 810	108	1 926	115
36	Фориш	933	56	970	58	1 009	61	1 049	63	1 117	67
37	Бахмал	1 500	90	1 560	94	1 622	97	1 687	101	1 795	108
38	Ш.Рашидов	2 767	166	2 878	173	2 993	180	3 112	187	3 312	199
39	Зомин	917	55	954	57	992	59	1 032	62	1 098	66
40	Зардор	1 517	91	1 578	95	1 641	98	1 706	102	1 816	109
41	Янгибод	334	20	347	21	361	22	376	22	400	24
42	Арнасой	1 300	78	1 352	81	1 406	84	1 462	88	1 556	93
43	Мирзачўл	1 367	82	1 422	85	1 479	89	1 538	92	1 636	98
44	Ғаллазор	1 550	93	1 612	97	1 676	101	1 744	105	1 855	111
45	Зафаробод	1 208	73	1 256	76	1 307	79	1 359	83	1 446	88
Жиззах вилояти бўйича жами		16 669	1 000	17 336	1 040	18 029	1 082	18 750	1 125	19 950	1 197
Қашқадарё вилояти											
46	Ғузор	2 240	134	2 330	139	2 423	145	2 520	151	2 681	160
47	Дехқонобод	359	22	373	22	388	23	404	24	430	26
48	Қарши	4 620	277	4 805	288	4 997	300	5 197	312	5 529	332
49	Қамани	4 000	240	4 160	250	4 326	260	4 499	270	4 787	287
50	Миршикор	1 833	110	1 906	114	1 983	119	2 062	124	2 194	132
51	Муборак	1 083	65	1 126	68	1 171	70	1 218	73	1 296	78
52	Нишон	1 545	93	1 607	97	1 671	101	1 738	105	1 849	111
53	Қосон	4 763	286	4 954	297	5 152	309	5 358	322	5 701	342
54	Қасб	4 783	287	4 978	298	5 173	310	5 380	323	5 725	343
55	Чироқчи	5 049	303	5 251	315	5 461	328	5 679	341	6 043	363
56	Кўдала	1 000	60	1 040	62	1 082	65	1 125	67	1 197	72
57	Қитоб	5 700	342	5 928	356	6 165	370	6 412	385	6 822	409
58	Шаҳрисабз	5 650	339	5 876	353	6 111	367	6 355	381	6 762	406

Т/р	Худудлар номи	2026 йил		2027 йил		2028 йил		2029 йил		2030 йил	
		қўти	тонна	қўти	тонна	қўти	тонна	қўти	тонна	қўти	тонна
59	Яккабой	5 766	346	5 997	360	6 237	374	6 486	389	6 901	414
	Қазақдарё вилояти бўйича жами	48 391	2 904	50 327	3 020	52 340	3 141	54 433	3 267	57 917	3 475
					Навоий вилояти						
60	Қизилтепа	6 380	383	6 635	398	6 901	414	7 177	431	7 636	458
61	Навбахор	5 249	315	5 459	328	5 677	341	5 904	354	6 282	377
62	Нурота	467	28	486	29	505	30	525	31	559	34
63	Кармана	2 233	134	2 322	139	2 415	145	2 512	151	2 673	160
64	Хатирчи	6 749	405	7 019	421	7 300	438	7 592	456	8 078	485
	Навоий вилояти бўйича жами	21 195	1 272	22 083	1 323	22 925	1 376	23 841	1 431	25 367	1 522
					Наманган вилояти						
65	Мингбулак	3 433	206	3 570	214	3 713	223	3 862	232	4 109	247
66	Косонсой	3 480	209	3 619	217	3 764	226	3 915	235	4 165	250
67	Чуст	3 974	240	4 133	250	4 298	260	4 470	270	4 756	287
68	Ўйчи	3 970	238	4 129	248	4 294	257	4 466	268	4 752	285
69	Янгиқўрғон	3 920	235	4 077	244	4 240	254	4 409	264	4 692	281
70	Норин	3 970	238	4 129	248	4 294	257	4 466	268	4 752	285
71	Учқўрғон	3 970	238	4 129	248	4 294	257	4 466	268	4 752	285
72	Наманган	3 969	238	4 128	248	4 293	258	4 465	268	4 750	285
73	Тўрақўрғон	3 823	229	3 976	238	4 135	248	4 300	258	4 576	274
74	Чортоқ	3 970	238	4 129	248	4 294	257	4 466	268	4 752	285
75	Поп	3 432	206	3 569	214	3 712	223	3 861	232	4 108	247
	Наманган вилояти бўйича жами	41 911	2 515	43 587	2 616	45 331	2 720	47 144	2 829	50 161	3 010
					Самарқанд вилояти						
76	Пастдаргом	5 918	355	6 155	369	6 401	384	6 657	399	7 083	425
77	Самарқанд	1 467	88	1 526	92	1 587	95	1 650	99	1 756	105
78	Нуробод	333	20	346	21	360	22	375	22	399	24
79	Иштихон	7 233	434	7 522	451	7 823	469	8 136	488	8 657	519
80	Жомбой	6 267	376	6 518	391	6 778	407	7 050	423	7 501	450
81	Кўшработ	650	39	676	41	703	42	731	44	778	47
82	Оқдарё	6 134	368	6 379	383	6 635	398	6 900	414	7 342	440
83	Тойлоқ	3 300	198	3 432	206	3 569	214	3 712	223	3 950	237
84	Каттақўрғон	7 233	434	7 522	451	7 823	469	8 136	488	8 657	519
85	Нарпай	6 033	362	6 274	376	6 525	392	6 786	407	7 221	433
86	Пахтачи	5 367	322	5 582	335	5 805	348	6 037	362	6 424	385
87	Булунгур	2 433	146	2 530	152	2 632	158	2 737	164	2 912	175
88	Ургут	6 133	368	6 378	383	6 633	398	6 899	414	7 340	440
89	Пайарқиқ	6 133	368	6 378	383	6 633	398	6 899	414	7 340	440
	Самарқанд вилояти бўйича жами	64 634	3 878	67 219	4 033	69 908	4 194	72 704	4 362	77 358	4 641
					Сурхондарё вилояти						
90	Ангрен	3 058	184	3 180	191	3 308	199	3 440	207	3 660	220

Т/р	Худудлар номи	2026 йил		2027 йил		2028 йил		2029 йил		2030 йил	
		кути	тонна								
91	Бандихон	966	58	1 005	60	1 045	63	1 087	65	1 157	69
92	Бойсун	1 194	72	1 242	75	1 291	78	1 343	81	1 429	86
93	Қизилқоғ	2 853	171	2 967	178	3 086	185	3 209	192	3 415	205
94	Музабоб	2 754	165	2 864	172	2 979	178	3 098	186	3 296	197
95	Шеробод	3 445	207	3 583	215	3 726	224	3 875	233	4 123	248
96	Жарқўреон	5 010	301	5 210	313	5 419	326	5 636	339	5 996	360
97	Термаз	2 572	154	2 675	160	2 782	167	2 893	173	3 078	184
98	Олтинсой	2 521	151	2 622	157	2 727	163	2 836	170	3 017	181
99	Шўрчи	3 668	220	3 815	229	3 967	238	4 126	247	4 390	263
100	Қумқўрган	5 010	301	5 210	313	5 419	326	5 636	339	5 996	360
101	Денов	3 468	208	3 607	216	3 751	225	3 901	234	4 151	249
102	Сарқосиё	859	51	893	53	929	55	966	57	1 028	61
103	Узун	1 688	101	1 756	105	1 826	109	1 899	114	2 020	121
Сурхондарё вилояти бўйича жами		39 066	2 344	40 629	2 438	42 254	2 535	43 944	2 637	46 757	2 805
Сирдарё вилояти											
104	Бойсун	2 084	125	2 167	130	2 254	135	2 344	141	2 494	150
105	Гулистон	2 067	124	2 150	129	2 236	134	2 325	139	2 474	148
106	Мирзаобод	1 383	83	1 438	86	1 496	90	1 556	93	1 655	99
107	Оқолин	1 383	83	1 438	86	1 496	90	1 556	93	1 655	99
108	Сардоба	1 383	83	1 438	86	1 496	90	1 556	93	1 655	99
109	Сайқулбод	2 067	124	2 150	129	2 236	134	2 325	139	2 474	148
110	Сирдарё	2 067	124	2 150	129	2 236	134	2 325	139	2 474	148
111	Ховос	1 383	83	1 438	86	1 496	90	1 556	93	1 655	99
Сирдарё вилояти бўйича жами		13 817	829	14 370	862	14 944	897	15 542	933	16 537	992
Тошкент вилояти											
112	Бўёқ	3 900	234	4 056	243	4 218	253	4 387	263	4 668	280
113	Оқдўғон	3 410	205	3 546	213	3 688	222	3 836	231	4 081	245
114	Оҳангарон	2 480	149	2 579	155	2 682	161	2 790	168	2 968	178
115	Пислент	3 041	182	3 163	189	3 289	197	3 421	205	3 640	218
116	Янгийўл	2 350	141	2 444	147	2 542	153	2 643	159	2 813	169
117	Чилоз	3 025	181	3 146	188	3 272	196	3 403	204	3 620	217
118	Қуйи Чирчиқ	3 390	203	3 526	211	3 667	220	3 813	228	4 057	243
119	Бекобод	4 180	251	4 347	261	4 521	271	4 702	282	5 003	300
120	Юзори Чирчиқ	3 410	205	3 546	213	3 688	222	3 836	231	4 081	245
121	Урта Чирчиқ	2 830	170	2 943	177	3 061	184	3 183	191	3 387	203
122	Бўстонлиқ	2 010	121	2 090	126	2 174	131	2 261	136	2 406	145
Тошкент вилояти бўйича жами		34 026	2 042	35 387	2 124	36 803	2 209	38 275	2 297	40 724	2 444
Фарғона вилояти											
123	Ўзбекистон	3 652	219	3 798	228	3 950	237	4 108	246	4 371	262
124	Фурқат	3 336	200	3 469	208	3 608	216	3 753	225	3 993	239

Т/р	Хўдудлар номи	2026 йил		2027 йил		2028 йил		2029 йил		2030 йил	
		кути	тонна								
125	Қувасой	681	41	708	43	737	44	766	46	815	49
126	Қўшлага	2 423	145	2 520	151	2 621	157	2 726	163	2 900	174
127	Риштон	2 292	138	2 384	144	2 479	149	2 578	155	2 743	165
128	Езёвон	2 145	129	2 231	134	2 320	140	2 413	145	2 567	154
129	Бағдод	3 274	196	3 405	204	3 541	212	3 683	220	3 919	235
130	Олтириқ	2 881	173	2 996	180	3 116	187	3 241	195	3 448	207
131	Бувайда	2 619	157	2 724	163	2 833	170	2 946	177	3 135	188
132	Сўх	681	41	708	43	737	44	766	46	815	49
133	Бешариқ	4 176	251	4 343	261	4 517	271	4 697	282	4 998	300
134	Дангара	3 783	227	3 934	236	4 092	246	4 255	255	4 528	272
135	Фариона т	3 536	212	3 677	220	3 825	229	3 978	238	4 232	254
136	Қува	3 602	216	3 746	225	3 896	234	4 052	243	4 311	259
137	Фариона шаҳри	394	24	1 109	67	1 154	69	1 200	72	1 277	77
138	Тошлоқ	3 405	204	3 541	212	3 683	221	3 830	229	4 075	244
139	Учкўприк	3 556	213	3 698	222	3 846	230	4 000	240	4 256	255
	Фариона вилояти бўйича жами	46 436	2 786	48 993	2 939	50 953	3 057	52 991	3 179	56 382	3 382
Хоразм вилояти											
140	Бочот	4 591	275	4 772	287	4 963	299	5 161	310	5 492	330
141	Гурлан	3 989	240	4 149	250	4 315	260	4 487	270	4 774	287
142	Қўшкўпир	4 791	287	4 983	298	5 182	310	5 389	323	5 734	343
143	Хива	3 592	215	3 736	224	3 885	233	4 041	242	4 299	257
144	Янгибозор	3 692	222	3 840	231	3 993	240	4 153	250	4 419	266
145	Шевот	4 591	276	4 775	287	4 966	299	5 164	310	5 495	330
146	Урганич	3 592	216	3 736	225	3 885	234	4 041	243	4 299	259
147	Ҳазорасп	4 224	253	4 393	263	4 569	274	4 751	285	5 056	303
148	Хонқа	4 790	287	4 982	298	5 181	310	5 388	323	5 733	343
149	Янгиариқ	3 692	222	3 840	231	3 993	240	4 153	250	4 419	266
150	Тупроққалъа	367	28	382	29	397	30	413	31	439	34
	Хоразм вилояти бўйича жами	41 911	2 521	43 585	2 623	45 328	2 728	47 141	2 837	50 158	3 018

**Пиллачилик комплексларини ташкил этиш мақсадида йирик тут
плантацияларини барпо этиш имконияти мавжуд бўлган тоғ олди
ҳудудлар рўйхати**

Т/р	Ҳудудлар	Туманлар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Тахиатош тумани
2.	Андижон вилояти	Булоқбоши тумани
		Марҳамат тумани
		Жалақудуқ тумани
		Қўрғонтепа тумани
3.	Жиззах вилояти	Фориш тумани
		Бахмал тумани
		Зомин тумани
4.	Қашқадарё вилояти	Китоб тумани
		Шаҳрисабз тумани
		Яккабоғ тумани
5.	Навоий вилояти	Нурота тумани
6.	Наманган вилояти	Янгиқўрғон тумани
		Косонсой тумани
7.	Самарқанд вилояти	Ургут тумани
8.	Сурхондарё вилояти	Узун тумани
		Денов тумани
9.	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ тумани
		Оҳангарон тумани
10.	Фарғона вилояти	Сўх тумани
		Фарғона тумани

Изоҳ: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ушбу рўйхатга қўшимча туманлар киритилиши мумкин.

**Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича
белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
1.	Пиллачилик кластери мақомини бериш ва пиллачилик кластерлари реестрини юритиш тартибини ишлаб чиқиш.	1. Қарорнинг 2-иловаси билан белгиланган мезонлар асосида пиллачилик кластери мақомини бериш ва пиллачилик кластерлари реестрини юритиш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Тартибни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил 1 май 2026 йил 15 май	Енгил sanoатни ривожлантириш агентлиги (Н.Холмуродов), “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (Р.Абдуллоев)
2.	Пиллачилик тармоғида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институтига 5 миллион АҚШ долларигача хорижий грантларни жалб қилиш чораларини кўриш.	1. Грант лойиҳа таклифларини (концепция) ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа таклифини Инвестициялар, sanoат ва савдо вазирлигига киритиш. 3. Хорижий томон (донор) билан музокаралар ўтказиш. 4. Грант битимини имзолаш.	2026–2027 йилларда	Инвестициялар, sanoат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Енгил sanoатни ривожлантириш агентлиги (Н.Холмуродов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
3.	<p>“Pillachilik.uz” электрон платформасига вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимларини интеграция қилиш ва маълумотларнинг реал вақт режимида акс эттирилишини таъминлаш.</p>	<p>1. Вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимларини Платформа билан интеграция қилиш, жумладан, tu.gov.uz, “UDocs” AT ва бошқа ахборот тизимлари орқали маълумот алмашувини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Тизим фаолиятини синовдан ўтказиш.</p> <p>3. Платформада барча ахборот тизимларининг маълумотлари реал вақт режимида акс эттирилишини йўлга қўйиш.</p>	<p>2026 йил 1 сентябрь</p> <p>2026 йил 10 сентябрь</p> <p>2026 йил 1 октябрь</p>	<p>“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Р.Абдуллаев</i>), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (<i>И.Абдурахмонов</i>), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (<i>Б.Захидов</i>), Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>), Божхона қўмитаси (<i>А.Мавлонов</i>), Солиқ қўмитаси (<i>Ф.Пулатов</i>), Миллий статистика қўмитаси (<i>Б.Ҳамраев</i>) Кадастр агентлиги (<i>Т.Абдуллаев</i>),</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
4.	Соҳа корхоналарига берилган имтиёзларни қўллаш бўйича маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.	Уюшма томонидан Солиқ қўмитасига пиллачилик кластерлари реестрига киритилган корхоналар тўғрисидаги маълумотларни бериб бориш.	Доимий равишда	Марказий банк (Т.Ишметов), тижорат банклари, Ўзбекистон товар-хомашё биржаси (А.Қаюмов), “Ўздаверлойтиха” ДИЛИ (Р.Тураев)
5.	Соҳа корхоналарига берилган имтиёзларни қўллаш тартибини такомиллаштириш.	Имтиёзлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида хом ипак маҳсулотини сифат даражаларига асосан (2А, 3А, 4А, 5А ва бошқалар) таснифлаш бўйича маҳсулотлар ва хизматлар идентификация коди (МХИК)ни жорий қилиш.	2026 йил 1 апрель	Солиқ қўмитаси (Ф.Пулатов), “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (Р.Абдуллаев)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
6.	Ипак чиқиндиларини субпозицияларга ажратиш ва уларга белгиланган экспорт божини ставкаларини қайта кўриб чиқиш.	<p>1. Ипак чиқиндиларини (ТИФ ТН кодидан 5003 00 000 0) қуйидаги кичик субпозицияларга ажратиш:</p> <p>(а) ипак момиги;</p> <p>(б) яроқсиз пилла хомашёси;</p> <p>(в) бошқа ипак чиқиндилари (пилла ипак чиқиндилари ва титилган хомашё).</p> <p>2. Ҳар бир позиция бўйича экспорт божини ставкаларини қайта белгилаш юзасидан таклифларни Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссияга киритиш.</p> <p>3. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия томонидан тегишли қарорни қабул қилиш.</p>	2026 йил 15 март	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев),</p> <p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов),</p> <p>Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (Н.Холмуродов),</p> <p>Божхона қўмитаси (А.Мавлонов),</p> <p>“Ўзбекэкспертиза” АЖ (У.Мурадов)</p>
7.	Тегишли ҳудудларда пилла етиштириш мақсадли кўрсаткичларига эришишни ҳокимлар фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичи (КРІ) сифатида белгилаб, баҳолаб бориш.	<p>1. 2026 йилдан бошлаб пилла етиштириш мақсадли кўрсаткичларига эришишни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туман ҳокимлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичи (КРІ) сифатида белгилаш.</p> <p>2. Самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) баҳолаб бориш.</p>	2026 йил 1 апрель	<p>Бошқарув самарадорлиги агентлиги (У.Хусайнов),</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси,</p> <p>вилоятлар ва туман ҳокимлари</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
8.	Ипак қурти уруғи касалликларини микроскопик таҳлил асосида олдиндан аниқлаш ҳамда ипак қурти уруғи ва хом ипакка сифат сертификати бериш тизимини жорий этиш чораларини кўриш.	<p>1. Хориждан келтириладиган ва маҳаллий тайёрланадиган ипак қурти уруғи касалликларини микроскопик таҳлил асосида олдиндан аниқлаш ҳамда ипак қурти уруғи ва хом ипакка сифат сертификатини бериш тизимини йўлга қўйиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p>	2026 йил 1 май	<p>Енгил sanoatни ривожлантириш агентлиги (Н.Холмуродов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Ш.Жабборов), Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (А.Жуманазаров), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов)</p>
9.	“Ўзбекипаксаноат” уюшмасини давлат мулки объектларида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш чораларини кўриш.	<p>1. Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган давлат мулки объектларини аниқлаш.</p> <p>2. Уюшмани тўғридан-тўғри текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш.</p>	2026 йил 1 апрель	<p>Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Муродов), Енгил sanoatни ривожлантириш агентлиги (Н.Холмуродов)</p>
10.	Саноат усулида пилла етиштириш ҳажминини ошириш	1. Хориждан малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳудудларда саноат усулида пилла етиштиришни	2026 йил 15 июль	Енгил sanoatни ривожлантириш

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	чора-тадбирларини амалга ошириш.	<p>ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни қўшимча қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Дастурни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2026 йил 1 август	<p>агентлиги (Н.Холмуродов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (Р.Абдуллаев)</p>
11.	Пилла етиштиришда бозор механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш.	<p>Соҳада бозор механизмларини жорий қилиш бўйича қуйидаги масалаларда таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p> <p>а) ипакчилик ривожланган туманларнинг ижобий тажрибаси асосида пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш, тўтзорларни бошқаришда ер муносабатларини тартибга солиш, ипакчилик соҳасида ихтисослашувни чуқурлаштириш;</p>	2026 йил 1 июль	<p>Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (Н.Холмуродов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ўзбекистон товар-хомашё биржаси (А.Қаюмов),</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		<p>б) 2027 йил ҳосилидан бошлаб тажриба-синов тариқасида республиканинг учта туманида пилла етиштириш ва сотишни биржанинг электрон савдо платформаси орқали жорий қилиш.</p>	<p>2026 йил 1 ноябрь</p>	<p>“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (Р.Абдуллаев)</p>
12.	<p>Қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>1. Қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>Уч ой мuddатда</p>	<p>Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (Н.Холмуродов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

